

ҚАРОР ВА ИЖРО ОРОЛБЎЙИ АЁЛЛАРИ ҲАМИША АРДОҚДА

Шу йилнинг 8 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг республика санаторий-курорт муассасаларида Қо-

рақалпоғистон Республикасидан 3 минг ва Хоразм вилоятидан 1,5 минг нафар аёлни профилактик даволаш бўйича таклифи маъқуллангани.

Ана шу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинганига ҳам беш ойдан ошиб қолди. Шундай экан, ўтган мuddат ичида қарорни ҳаётга татбиқ этиш борасида қандай ишлар амалга оширил-

ди? Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли сихатгоҳлар Оролбўйи худудидан келган аёлларнинг кўнгилли дам олиши ва даволаниши юзасидан амалга оширган тадбирлар қандай самара берди? Кўйида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

ХИЗМАТ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ВА БЕПУЛ

— Ушбу қарорга асосан Оролбўйи минтақасидан келган аёлларнинг 3300 нафарини экологик жиҳатдан қулай бўлган санаторийларимизда соғломлаштиришни режалаштиргандик, — дейди Курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев. — Ҳақиқатда эса Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри сихатгоҳларида 3320 нафар аёл соғлиқларини тикладилар. Бунда, айниқса, Фарғона вилоятидаги «Чимён», Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино номли, Тошкент шаҳридаги «Чинобод» санаторийлари ўрнатилди. Яъни, улар бошқа масканларга нисбатан кўпроқ кишиларни қабул қилиб, даволадилар.

лар олинди. Лозим топилганда, уларнинг баъзилари юқоридаги клиникаларга ётқизилди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган аёллар учун хизматлар бепул амалга оширилди.

Оролбўйи худуди аёлларининг дам олишлари ва вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Маданият саройлари, клублар, кутубхоналарда қизиқarli кечалар, учрашувлар, концертлар, турли ўйинлар ташкил этилди. Гўзал табиат қўйнига, тарихий ва зёратгоҳ жойларга саёҳатлар уюштирилди. Кўплаб санаторийларда «Ҳуқуқ ва келажак авлод маънавияти», «Маънавият



Бошқарма буйруғи билан ҳар бир санаторийга масъул ходимлар тайинланди. Уларга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган аёлларни қабул қилиб олиш, яратилган шарт-шароитларни назорат қилиш ва кузатиш вазифалари юклатилди. Бириктилган жавобгар шахслар мавсум мобайнида жойларда бўлиб амалий ёрдам кўрсатдилар. Ҳар бир гуруҳ бўйича бошқармага саволнома ва жадваллар асосида ёзма ахборотлар беришди. Бошқача айтганда, сихатгоҳлар мутахассислар билан биргаликда махсус чора-тадбирлар режаларини тузиб, шу асосда иш олиб бордилар.

Маълумки, бошқармага қарашли санаторийларда кейинги йилларда кўплаб замонавий ташхис-даволаш аппаратлари ўрнатилди. Бу эса ўз навбатида сихатгоҳга келганларга аниқ ташхис қўйиш ва даволашни жаҳон андозалари талаблари даражасига яқинлаштириш имконини берди. Масалан, «Турон», «Чинобод», «Чортоқ», «Қашқадарё соҳили» санаторийларида компьютер лазер, ЭКГ аппаратлари ишлаб турибди. Бир қатор дам олиш масканларида сув ости массажа қўрилмалари, шарко души, лазер, магнит ва янги физиотерапевтик усуналардан самарали фойдаланилмоқда. Жойларда эса бундай шароитлар бўлмаслиги мумкин. Шу боис Оролбўйи худудидан келган мижозлар қай-



она сутти, она ибрати ва аждодлар ўғитлари билан қиради» мавзуларида суҳбатлар ўтказилди. Айниқса, дам олувчиларда Ўзбекистон халқ артисти О.Матёқубов, А.Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри артистларининг чиқишлари, Ўзбекистон халқ артисти Б.Ихтиёров билан учрашувлар катта таассурот қолдирди. Шу ўринда

ЗЕРИКИШГА ВАҚТ БЎЛМАДИ

Мавсумда сихатгоҳимизда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 268 нафар аёл дам олиб, соғлиқларини тикладилар. Соя-салқин гўшада жойлашган ушбу шифо масканимизда меҳмонларга жамоа аъзоларимиз замонавий тиббиёт жиҳозлари ёрдамида аъло даражада хизмат кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Шифобахш маъданли сув, сув ости массажи, циркуляр душ, балчиқ, озекерит, шағам муолажалари қўлланилди. Йигирмадан ортиқ хонада юздан зиёд паст ва юқори қўланишли қувват билан даволайдиган бальнеологик бўлим, жисмоний тарбия зали, физиотерапия, биокимё ва кичик лабораториялар улар хизматида бўлди.

Беморларга хизмат кўрсатиш учун тажрибали шифокорлар ва ҳамширалар жалб қилинди. Улар ҳар бир беморни тиббий кўриқдан ўтказиб, аниқ ташхис қўйишга ҳаракат қилдилар. Беморни даволашда муомаланинг аҳамияти катта. Қадимда ҳам сўз сеҳри билан даволашга тиббиёт алломалари катта аҳамият беришган. Замонавий тиббиётда аниқлашнича ҳам сўз таъсири кучи ёрдамида инсон жисмидаги медиаторлар, гармонлар, биологик моддалар таркибида жиддий ўзгаришлар содир этилар экан. Бир сўз билан айтганда, юракдан айтилган сўз, юракка йўл топади. Шу боис, Оролбўйи худудидан келган аёлларда сўз билан даволаш сеансларини ҳам ўтказдик. Бу эса, айниқса қон босими кўтарилган, асаб хасталиги безовта қилган, уйқу дориларга ружу қўйган беморларга жуда асқотди.

Меҳмонлар билан очик мулоқот кунларини ўтказиш ҳам ўз самарасини берди. Ўз навбатида очик мулоқот кунларида беморларни касаллик турлари, уларни бартараф этишда қўлланилаётган усуллар, халқ тиббиёти намуналари ва дори-дармонлар ҳақидаги ахборотлар билан таништириб турдик.

Уларнинг нафақат даволаш, балки мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам ҳаракат қилдик. Кечки овқатдан кейин маданият саройида ҳар хил тадбирлар ўтказилди. Дам олувчилар «Сиз кутган учрашув», «Шеър азиз олам аро», «Соғлом фарзанд — оила қувончи», «Маҳалла — ўз уйимиз» сингари суҳбатларда қатнашиб, атоқли ёзувчи ва шоирлар, номдор спортчилар билан учрашдилар. Бу ишларга маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Абдувоҳид Тожиев бош-қош бўлди.

Махсуда МАДАМИНОВА, «Чинобод» санаторийси бош ҳақими ўринбосари, «Шухрат» медал соҳиби.



«ТУРОН»НИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Ўзим Чимбой туманида истиқомат қиламан. Ўн нафар фарзандим бор. Кўп вақтдан бўён ўнг оёғим оғриб, асабим безовта қиларди. Хукуматимизга раҳмат. Биз Оролбўйи аёлларига меҳрибончилик кўрсатиб, қарор чиқарди. Энди сихатгоҳга келсак, бу ерда бўлган пайтимда жуда яхши муолажа қилишди. Бош шифокордан тортиб оддий ҳамширагача аввало ширинсўз билан даволашди. Дам олиш пайтимизда Маннон Уйгур номидаги театр артистлари келиб, концерт намойиш этишди. Сўз устаси Ҳожибой Тожибоев эса ичакүзди хангомалари билан мен ва бошқа дам олувчиларда катта таас-

ҲУКУМАТИМИЗГА РАҲМАТ!

Вазирлар Маҳкамаси қарори шарофати билан «Ботаника» санаторийсида дам олиб, даволандим. Сихатгоҳ Бўстонликнинг тоғ ҳавоси уфуриб турган, богроғларга бурканган Қибрай туманида жойлашган экан. Шу боис, хоразмлик биз аёллар бу ерга келиб, баҳри-дилимиз очилди. Йўлнинг икки четига экилган турна қатор игна бағли дарахтлар эпкинидан нафас олар эканмиз, ўзимизни гўё ўрмон ичида юргандек ҳис қилдик. Сихатгоҳда кўплаб ҳосилга кирган мевали дарахтларни айтмайсизми. Биз ана шу гўзалликлар бағрида яшадик. Ошхонада эса таомлар ярим ресторан, яъни буюртма бўйича ташкил этилган экан. Ташхис қўйиш ва даволашда санаторий шифокорлари бизга ўшаганларга алоҳида аҳамият билан қарашди. Даволашнинг энг замонавий усулларини қўллашди. Лазеротерапия, магнитотерапия ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунинг учун дардимизга шифо топиб, уйга кўтаринки кайфиятда етиб келдик.

Раъно САНАЕВА, Хоразм вилояти.

Дил сатрлари

сурот қолдирди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Мени айниқса мустақиллик йилларида пойтахтимизнинг мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, кўркам бўлиб кетганлиги қувонтирди. Хусусан, Тошкент телеминораси, Темурийлар тарихи Давлат музейини мириқиб томоша қилдик. Бундан ташқари, икки нафар ўғлим ва бир нафар қизим Бўстонлик туманидаги «Чортоқ» болалар оромгоҳида дам олишди.

Намихон КУТТИБОЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси.

МЕҲР ЮРАКДАН ЮРАККА ЎТАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори инсон омилли, хусусан саодатли аёлларимизга бўлган чексиз эътиборнинг ёрқин тимсолидир. Бундан барча каби бизнинг бирлашмаимиз ходимлари ҳам баҳраманд бўлишди. Жумладан, жамоада самарали меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 210 нафар фарзанди республикамизнинг хушманзара жойларидаги болалар оромгоҳларида дам олиб, қайтдилар. Қарорда кўрсатилганидек, йўлланмалар қийматининг 50 фоизи Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари ҳисобидан қоланди. Қолган қисmini бирлашмаимиз маъмурияти ва қасаба уюшма-

ларнинг хулосасига асосланиб, унга ҳам «Ботаника» сихатгоҳига бепул йўлланма ажратдик. Энг муҳими, биз жўнатган аёлларнинг ҳаммаси Курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда аъло даражада шарт-шароитлар яратилгани, ҳақим ва ҳамшираларнинг ширинсўзлиги ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб беришди. Аманнияз АЛЕКЕЕВ, «Қорақалпоғистонавтоўл» давлат акционерлик бирлашмаси қасаба уюшма кўмитаси раиси. Саҳифани тайёрловчи: Фулом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.

Санъат

КЎШИҚНИНГ КЎШ ҚАНОТИ

Кўшиқ, мусика санъатининг тарбиявий ахамияти бекиёс. Зеро, у инсонни қалбан гўзал, фикран теран этади, нафосат оламига чорлайди. Хоразмлик истеъдодли хонанда Озоджон Собиров бунни яхши билади, кўлига тор олиб, дилдан куйлаб, шинавандалар кўнглини овламоққа интилади.

— Ёшлигидан санъатга иштиёки баланд эди, — дея эслайди Озоджоннинг онаси Саодатхон опа. — Бир куни шовотлик созанда Отабой Қурбонбоев рубоб чалиб турган эканлар, у кишидан ўлимга ҳам худди ана шундай соз топиб беришни ўтандим. Отабой ака бу рубобни тошхувузлиқ Кўчқорбой уста ясаганини, устоз санъаткоримиз Комилжон Отаниёзовнинг торини ҳам шу киши ясаб берганлигини айтдилар. У пайтда ўғлим Тошкентда таҳсил

лик тўғарагида қатнашиб юрди. Кўли торга келиб, овози сайқал топа боргач мухлислар олқишига сазовор бўлиш ижодкордан тинмасдан изланишни тақозо этишини тушуниб етди. Устоз санъаткорлар ижодини кунт билан ўрганди. Ҳаётни, одамларни кузатиб ижодий илҳом олди. Мумтоз шоирлар — Ка-

шёрлар топиб куй басталайди. Баъзан ўзи ҳам кўшиқбоп шеърлар, ғазаллар ижод қилади. — Мен қорақалпоқ, қозоқ, туркман, озарбайжон, тожик, ўзбек тилларида бемалол шеърлар ёзиб кўшиқ айта оламан, — дейди Озоджон Собиров. — Шунингдек, ҳиндча ҳам куйлайман. Қайси



Ҳикмат

Эй фарзанд, дўст ва душман билан мулоқотинг ҳосил бўлгандагина келишиш мумкин деб ҳар бир жамоа билан яқинлашавермагил. Ҳеч кимга ёмонлик ўргатма, чунки бу хилда ўргатиш ҳам ёмонликнинг биридир. Агар сенинг гуноҳинг бўлмаса-ю, сенга бир киши озор берса, сен унга озор берма, чунки ҳақиқий одам бировга озор бермайди. Агар одам бўлсанг, кам озор бўл, халойиққа қилигингни яхши қил, одамга кирдор керакдирки, ойнага қараган кишининг юзи яхши кўринса, қилигини ҳам юзи каби ёқимли қилиши лозим, чунки яхшидан ёмонлик чиқиши яхши эмасдир.

ШАНЪБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Азим пойтахтимиз — Тошкентнинг кўрку таровати ўзгача. Кенг ва равон йўллар, кўркам бинолар, хиёбонлар ҳар бир кишини ўзига мафтун этади.



олаётган эди. Отабой ака рубобни олиб келганларида, Озоджон билан телефон-

мина, Мулла Нафас, Машраб, Махтумкули шеърларига куй басталаб ижро этди. Тинимсиз меҳнат туфайли аста-секин меҳр қозонди. Бугун Озоджон Собиров том маънода халқ севган санъаткор. Хоразмдами, Қорақалпоғистондами, Туркменистондами бирон-бир хонадон йўқки, унинг кўшиғи кириб бормаган бўлсин. Кўшиқнинг кўш қаноти бор дейишади. Унинг бири яхши шеър бўлса, иккинчиси мусикадир. Шу боисдан хонанда кўшиқ сўзларига алоҳида эътибор беради. Элга манзур бўладиган

тилда кўшиқ айтмай, шинавандаларга ҳузур бағишласа дейман. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Озоджон Собиров ижросидаги Она Ватани улғувчи, ота-онажон аҳтиром, севги, муноҳаббатни тараннум этувчи кўшиқлар ўз мухлисига эга. Серзавқлиги, самимийлиги билан дилларни мафтун этмоқда. «Яша юртим», «Ватанимиз Ўзбекистон», «Оқ сут бериб боққан онанг», «Отангдек уйингга султон йўқ сенга» каби кўшиқлари аллақачон эл мулкига айланди. **Роза САЙДАҲМЕДОВА.**

Ўқинг, бу қизиқ!
ХҲРОЗМИ ЁКИ ТОВУҚ?
Тухумни бировга кўрсатиб, «бундан хўроз чиқадими ё товуқми?» деб сўрасангиз, «каердан билай» деб қўя қолади. Қарангки, шуни ҳам олдиндан билиш мумкин экан.



Сенга ҳавас қиламан, болам! **Фулом ХИДИРОВ олган сурат.**

Санкт-петербурглик шифокорлар тузган жадвал бу ишда қўл келди. Тухум оқи ва саригининг хусусиятлари билан тухумнинг электр қаршилиги орасидаги боғлиқлик орқали жўжалар жинсини белгилаш мумкин экан. Бу боғлиқлик шу қадар нозик ва мураккаб эканлигидан шифокорлар олий математикага мурожаат этишга, жадвал тузишда эса электр-хисоблаш машинаси билан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Бу иш соф илмий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга амалиётда ҳам катта фойда келтиради. Бинобарин, инкубаторнинг деярли икки марта унумли ишларини таъминлайди. **А.АЛИЕВ.**

Расул Абасния Хонка туманида туғилиб ўсган. Вилоят кишилоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида бошлик ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Лекин унинг бир кўсури бор, яъни таъмагирлик касалига мубтало бўлганди.

Яхшиси, воқеа тафсилотини эшитинг. Қахрамонимиз Арслон Давлетов деган танишига «Урганч шаҳридан уй-жой қуриш учун ер олишни ният қилган уч-тўртта одам топ! Нарҳиям унча қиммат эмас, 60 минг сўм», — деди. Албатта, бундай орзу билан юрганлар оз эмасди. Арслон кўп ўтмай «буюртмачи»га учта жой ўрни учун зиёди билан нақд 200 минг сўмни кўртдек санаб берди. Бошлик ёрдамчиси эса бир ой ичида масалани ҳал қилишга ваъда бериб, пулни пўлат сандиққа жойлаб қўйди. Орадан икки ой ўтгач, Арслон унга ваъдасини эслатди. Шунда у: — Менда уй адресларингиз бор, кетаверинг, тегишли кишиларнинг ўзлари сизга хабар қилишади, — деди. Орадан тўрт ой ўтгач пул тўлаган мижозлардан бири — Ражаббой Саноев билан А.Давлетов яна ёрдамчи қабулхонасида бўлишганда бу гал ўшқирки эшитдилар: — Қанақа одамсизлар, тинчгина уйларингизда ўтирсангиз бўлмайдингизми? Шундан сўнг раҳбарларнинг соясига кўрпача солишни яхши кўрадиган ва айни пайтда гайриқонуний йўллар билан иш битказишга мойил бўлган икки дўст уйларига тарвузлари кўлтидан тушиб қайтдилар. Бир йил ўтгач, Р.Саноевнинг турмуш ўртоғи Муяссар Ҳўжаева сўраб-суриштириб Абасниянинг хотини Раънохон билан уч-

ТОВЛАМАЧИ

рашади. Ундан: «Эрингиз ё жой олиб бермади, ё пулни қайтармади», — деб сўраганида: «Билсангиз, эримдан пулларини сўраб келётганларнинг сон-саногий йўқ», — дея жавоб берди. Жой олишнинг гайриқонуний йўлини танлаган Арслон, Ражаббой ва Комилжонлар ана шундан кейингина амалдор қиёфасидаги товламачига дуч келтирилди. Улар пулни ўзида олиб қолишни истарди. Бу ҳийла-ю найрангни тушуниб етган «мижозлар»дан бири Р.Саноевнинг сабри чидамай: — Пулни сендан фоизи билан ундириб олмасам, отимни бошқа қўяман, — деди. Пул можараси қизигандан қизиб кетди. Навбатдаги ана шундай даҳанак «жанг»нинг бирида Расул Абасния Ражаббойнинг юзига сульфат кислотасини сеппи юбориб, уни умр-

БИР БЎШ ҲРИН ҚОЛДИ

Мухлислар қалбида аламли нидо ҳали узоқ вақт акс садо бериб турса керак. Нега алам қилмасин — ахир имкон бор эди-да... Нима бўлганда ҳам 2002 йилги жаҳон чемпионати Ўзбекистонсиз ўтадиган бўлди. Математиклар таъбири билан айтганда, бири дилда, қолган ўттиз бир терма жамоа номини энди бемалол тилга олишимиз мумкин. Улар:

Европа қитъасидан — Франция, Польша, Испания, Швеция, Россия, Португалия, Дания, Хорватия, Италия, Англия, Германия, Словения, Белгия, Греция, Ирландия.

Америка қитъасидан — Аргентина, Парагвай, Бразилия, Эквадор, Коста-Рика, АКШ, Мексика.

Африка қитъасидан — ЖАР, Камерун, Тунис, Сенегал, Нигерия.

Осиё қитъасидан — Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Хитой.

Энди бири дилда, деб атаганимиз охири номзод ҳақида. У Уругвай-Австралия терма жамоалари ўртасида 20 ва 25 ноябр кунлари

Футбол янгиликлари

бўлиб ўтадиган плей-офф учрашувларидан сўнг аниқланади. **МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ «АЛ-ШАБАБ»ДА**

Аввалдан тахмин қилинаётгандек, Ўзбекистон терма жамоаси сардори ўз фаолиятини БААнинг «Ал-Шабаб» клубида давом эттирадиган бўлди. Ярим ҳимоячимиз шу кунгача Россиянинг «Крылья Советов» командасида тўп сураётган эди. «Ал-Шабаб» клуби



34-турдан кейинги вазият

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	32	25	3	4	85-25	78
2.«Насаф»	32	21	5	6	79-44	68
3.«Пахтакор»	30	20	3	7	59-29	63
4.«Навбахор»	33	19	1	13	73-51	58
5.«Академия»	32	15	10	7	68-43	55
6.«Қизилқум»	32	15	5	12	43-32	50
7.«Трактор»	32	13	7	12	52-52	46
8.«Дўстлик»	32	13	5	14	71-55	44
9.«Сўғдиёна»	32	13	4	15	42-50	43
10.«Самарқанд-Д»	32	13	3	16	57-63	42
11.«Андижон»	32	13	3	16	54-57	42
12.«Бухоро»	31	13	2	16	50-56	41
13.«Зарафшон»	32	11	7	14	48-50	40
14.«Металлург»	32	9	11	12	40-57	38
15.«Сурхон»	32	12	1	19	41-68	37
16.«Кимёгар»	32	9	6	17	34-55	33
17.«Турон»	32	8	6	18	38-68	30
18.«Семурғ»	32	2	4	26	34-111	10

Нафс бандалари

кетга қарши кураш бўлимининг ходими Қахрамон Шержоновнинг айтишича, у Абаснияга пулни қонуний эгаларига қайтаришни маслаҳат берган. Лекин товламачи кўрққан олдин мушт кўтарар қабилда иш тугати, уларни кўрқитиш йўли билан пулни ўзида олиб қолишни истарди. Бу ҳийла-ю найрангни тушуниб етган «мижозлар»дан бири Р.Саноевнинг сабри чидамай: — Пулни сендан фоизи билан ундириб олмасам, отимни бошқа қўяман, — деди. Пул можараси қизигандан қизиб кетди. Навбатдаги ана шундай даҳанак «жанг»нинг бирида Расул Абасния Ражаббойнинг юзига сульфат кислотасини сеппи юбориб, уни умр-

92 ТАСИ МАЪЛУМ

Машҳур кимёгар олим Д.Менделеев жадвалида кўрсатилган 92 элементдан тўрттасининг ўрни кўп вақт бўш бўлиб ётди. Уларнинг мавжудлиги олдиндан билинган эди, лекин улар табиатда топилмагач, сунъий усул билан олишга тўғри келди. Чунончи, 1937 йили уларнинг бирини олишга муваффақ бўлинди. Бу янги элемент техник йўл билан топилгани учун унга техникий деган ном берилди. Шу усул билан қолган учтаси ҳам топилди. Булар: астат, прометий ва франций эди. Шундан қилиб, энди 92 элементнинг ҳаммаси маълум. Уларнинг 29 таси мўлжаллаш, тусмоллаш, олдиндан билиш асосида кашф этилди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсуслаш: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.